

## **2019 йил давомида Банк фойдасини тақсимлаш (дивиденд тўлаш)**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 10 июндаги 48-сонли баённома қарори билан Банкнинг 2018 йилда олган фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 4-масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

- Умумий мақсадларга захира фондига- 9 108 839 минг сўм;
- “Стандарт” сифатида таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантиришга - 18 370 300 минг сўм;
- 2018 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга йиллик 15% ёки 3 450,0 минг сўм йўналтирилсин;
- Тақсимланмаган фойда қолдиғи – 39 627 556 минг сўм.

39 627 556 минг сўм миқдоридаги фойда банкнинг тақсимланган фойда ҳисобварағида тақсимланмаган ҳолда қолдирилсин.

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 27 сентябрдаги 49-сонли баённома қарори билан Банк фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 1-масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 42 000 000 000 (қирқ икки миллиард) сўм ва 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги соф фойдаси ҳисобидан 56 219 151 000 (эллик олти миллиард икки юз ўн тўққиз миллион бир юз эллик бир минг) сўм, жами 98 219 151 000 (тўқсон саккиз миллиард икки юз ўн тўққиз миллион бир юз эллик бир минг) сўм оддий акциялар бўйича ҳар бир акциянинг номиналига нисбатан 61,3 фоиз ёки 613 сўм миқдорида дивиденд тўлашга йўналтирилсин ва банк акциядорлари реестрига мувофиқ уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимлансин.